

**ПЕДАГОГИК ВА
ПСИХОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР**

ЯНВАРЬ, 2023

1-СОН



**PEDAGOGICAL AND
PSYCHOLOGICAL STUDIES**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**



ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, I-СОҢ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-1>

Бош муҳаррир:

Нишонова З. – психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов О. Ғ. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Таҳририят аъзолари:

Абдужаббарова М. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Абдурахимов Қ. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Акмалов А. – педагогика фанлари номзоди, доценти
Акрамова Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор
Юсупова Х. И. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Джураев Д. – педагогика фанлари доктори
Душанов Р. – психология фанлари номзоди, доценти
Негматовна Г. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Разакова Р. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тўйчиева С. – психология фанлари номзоди, доцент

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054834**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Педагогика фанлари

ХЎЖАМҚУЛОВА Нафиса Рўзиқуловна

Ўзбекистон – Финландия педагогика институти

Педагогика факультети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7575466>

ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ (ПИРЛС МИСОЛИДА)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ПИРЛС тадқиқотлари доирасида турли таълим тизимида эга бўлган давлатлар 4-синф битирувчиларининг ўқиш сифати ва ўқилган матнни тушуниш даражаси ўрганилади. Бу тадқиқотларга 4-синф ўқувчиларининг танланиши шу билан эътиборлики, айнан ўқишнинг тўртинчи йилида ўқувчилар ўқишнинг юқори даражасига эга бўлиши, уларнинг кейинги таълимда билимни эгаллаш қобилиятини шакллантириш ва шу орқали ҳозирги замонга муваффақиятли мослашувига ёрдам беради.

Калит сўзлар: ўқиш саводхонлиги, ПИРЛС тадқиқоти, халқаро баҳолаш.

ANNOTATION

The PIRLS study examines the reading quality and reading comprehension of 4th graders in countries with different education systems. The selection of 4th graders for this study is important because it is in the fourth year that students develop a high level of learning comprehension, build their ability to learn in further education, and thus, to be current.

Key words: reading literacy, PIRLS study, international assessment.

АННОТАЦИЯ

В рамках исследования PIRLS изучается качество чтения и уровень понимания прочитанного текста учащимися 4-х классов стран с разными системами образования. Выбор учащихся 4-х классов для этих занятий важен, поскольку именно на четвертом году обучения у учащихся формируется высокий уровень обучаемости, формируется их способность к получению знаний в дальнейшем обучении, а значит и к современности. приспособление.

Ключевые слова: грамотность чтения, исследование PIRLS, международная оценка.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарорида энг устувор вазифа қилиб қуйидагилар олинди: - халқаро тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ўқиш; ПИРЛС баҳолаш дастури йўналишидаги саволлар миллий базасини яратиш ва ўқув дастурларига интеграция қилиш. Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизимида олиб борилаётган амалий ишлар, таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларнинг ташкил этилиши тўғрисида ҳукумат қарорининг қабул қилиниши таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциациясидек (ИЭА) нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши таълим тизимида муҳим аҳамият касб этади [1].

Ўқиш саводхонлиги – шахс ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини ривожлантириш, жамиятда ўз ўрнини топиш мақсадига эришиши йўлида матнларни тушуниш, улардан фойдаланиш, матн устида мулоҳаза юритиш ҳамда уларга муносабат билдириш қобилияти демакдир.

Ўқиш саводхонлигининг қуйидаги таърифида унинг ҳар бир қисмига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ПИРЛСдаги далиллар ва бошқа амалий тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда баъзи муҳим ўзгартиришлар киритилди ва пухта ишлаб чиқилди. Бу назариядаги ўзгаришлар ва дунёда бўлаётган ўзгаришларни инобатга олиб амалга оширилди. Ўқиш саводхонлиги-олдинги таърифларга қараганда, фарқини солиштирар эканмиз, “Ўқиш” атамаси ўрнида “Ўқиш саводхонлиги” атамаси фойдаланилганлигини кўриш мумкин, чунки ушбу жумла мазкур дастурнинг тадқиқот доираси, ўрганиш объектлари ҳақида, ҳаттоки айни фан мутахассиси бўлмаганларга ҳам аниқроқ тасаввурларга эга бўлишга ёрдам беради.

Ўқиш саводхонлиги бир қатор ақлий фаолият ва тил компетенцияларини қамраб олади. Жумладан, алоҳида олинган сўзнинг маъносини тушунишдан тортиб, матннинг грамматик ва лингвистик қурилишини англаш ҳамда матндан олинган маънони ўзининг олам ҳақидаги тасаввурлари билан боғлашни ўз ичига олади. У метакогнитив компетенцияларни, яъни матн билан ишлашда керак бўладиган турли стратегияларни билиш ва уларни тўғри қўллай олишни ҳам ўз ичига олади. Метакогнитив компетенциялар ўқувчи фикрлаганда, кузатганда ва ўзининг ўқиш машғулотини маълум мақсадга йўналтирганда фаоллашади.

Гарчи “саводхонлик” атамаси бирор шахснинг ўрганиш, фойдаланиш, ёзилган ва нашр этилган маълумотни етказиш каби салоҳияти билан узвий боғлиқ бўлса-да, бу атама, одатда, шахснинг маълум бир фан ёки соҳага оид билимини англатади. Мазкур таъриф “Ўқиш саводхонлиги” атамасини ёритиб бериш учун мўлжалланган бўлиб, кўплаб вазиятларда ва турли мақсадлар учун ўқишнинг фаол, мақсадли ва қулай шаклини ифодалаш фикрига мос келади.

Бошланғич таълим босқичи 1-4-синфларни ўз ичига олиб, асосан, ўқувчиларга ёзиш, чизиш, тўрт амал ёрдамида ҳисоблаш ва уларни амалга оширишнинг қонун-қоидалари ҳамда мустақил билим олишни ўргатади. Таниқли олим, профессор Б.Зиёмухаммедов таъкидлаганидек, педагогиканинг асосий қонунларидан бири берилаётган билимга кизиқтириш йўли билан ўқувчилар диққатини дарсга жалб этиш ҳисобланади [2].

Ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини ошириш ПИРЛС баҳолаш дастури талаблари асосида ташкил этиш муҳим жараён дир. Ўқиш саводхонлигини ошириш жараёнини фаоллаштириш, ўқувчиларда мустақил таълим олишга бўлган интилиш, мавзуга оид маълумотларни мустақил тарзда ўқиб ўрганиш, саводхонлик даражаси, кўникма ва малакаларини шакллантириш таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш меъзони бўлиб, у ўқувчиларда қуйидаги хусусиятларнинг шаклланишига асос бўлади: ф.ф.н. Раббонаева Д.Т. дея таъкидлаб ўтган [9].

ўқувчиларда ўқиш ва ёзув саводхонлик даражасини намоён қилиш;
билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
уларнинг ўқитиладиган фанларга оид билимларини режалаштириш;
синфда ва синфдан ташқарида олинган билимларни тартибга солиш,
қилиш учун онгли равишда фойдалана билиш;
ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

ПИРЛС баҳолаш дастури ўқувчининг саводхонлик даражаларини баҳолаб, солиштириб боради. Ўқувчининг саводхонлик даражаси бевосита ўқиш кўникмаларига боғлиқ бўлиб, таълим жараёнида ўқувчиларнинг китоб ўқиш ва уни тушуниш малакаларини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

ПИРЛС баҳолаш дастурида ўқувчиларнинг ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолашда ахборот ва бадиий мазмундаги матнлар тақдим этилади, матнлар учун қуйидаги мезонлар белгиланган.

Матн ҳажми: 1000 та сўзгача бўлади, ўқиш саводхонлиги даражаси паст бўлган мамлакатлар учун 400-500 та сўз, матн мавзуси адабий матнлар асосий мавзуга эга бўлиб, у берилган матндан ташқари ўқувчи тамонидан умумлаштирилади.

Ахборотдан иборат бўлган матнлар ўқув материалларидан олинмаган мавзуни ёритиб бериши керак. Тил: матн 40 дан ортиқ тилларга таржима қилинади, таржима қулай ва тушунарли бўлиши талаб этилади. Метафора ёки эпитет каби аниқ ифодали тасвирлаш сўзлари танланади. Ҳеч қандай сўзлашувга оид лексика ёки жаргон ишлатилмайди.

Матн мазмуни 9-10 ёшдаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши керак. Айрим маданиятларга жуда хос бўлган мавзулардан четланилади. Матн шу ёшдаги мактаб ўқувчилари учун қизиқарли бўлиши керак, боғлиқлик ва кетма-кетлик: сюжетнинг мантикий тузулишига риоя қилиш муҳимдир. Оддий ва мураккаб гапларнинг бир хил ишлатилиши. Агар диалог устунлик қилса, маълумотни бирлаштириб, мураккаб гапларни қўшиш керак. Ахборот матнда матннинг структураси ва маълумотнинг мантикий кетма-кетлигини сарлавҳалар, жадваллар, графиклар каби визуал элементлар билан боғлиқлигини кузатиш шартдир.

ПИРЛС баҳолаш дастури учун ўқиш саводхонлиги жамият талаб қиладиган ёки шахс томонидан кадрланадиган ёзма тил шакллари тушуниш ва ишлатиш қобилияти сифатида белгиланади. Ёш ўқувчилар турли хил матнлардан маъно тузишлари мумкин. Улар ўқиш учун, мактабда ва кундалик ҳаётда ўқувчилар жамоаларида иштирок этиш учун ўқишади [7].

ПИРЛС баҳолаш дастури ўқувчилар ўқиш саводхонлигининг уч жиҳатига қаратилган:

Ўқиш мақсадлари;

Тушуниш жараёнлари;

Ўқиш ва муносабат.

Тушуниш жараёнининг тўрт тури ПИРЛС баҳолаш дастурида баҳоланади:

аниқ баён қилинган маълумотларга эътибор қаратиш;

тўғри хулосалар чиқариш;

ғоялар ва маълумотларни шарҳлаш ва бирлаштириш;

матн таркиби, тил, матн элементларини ўрганиш ва баҳолаш.

Бу омиллар ўқувчиларнинг ўқиш ва ёзиш саводхонлигини мустаҳкамлашга муҳим омил бўлади.

ПИРЛС баҳолаш дастури ўқиш мақсадлари ва тушуниш жараёнларида ўқувчи иштирокини ўрганади. Бирок, улар бир-бирларидан ёки ўқувчилар яшайдиган ва ўрганадиган матнлардан ажратилган ҳолда таҳлил этилмайди. Ўқиш саводхонлиги инсониятнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва ўқиш сабаблари билан бевосита боғлиқ. Умумий ҳолда, бу сабаблар шахсий қизиқиш ва завқ учун ўқиш, жамиятда иштирок этиш учун ўқиш ва билим олиш учун ўқиш каби жиҳатларни ўз ичига олади. Ёш китобхонлар учун бу жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга [8].

ПИРЛС баҳолаш дастури баҳолаш тизими мактабда ва ундан ташқарида ёш ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқишнинг аксарият қисмини ҳисобга олиш учун учта асосий мақсадга қаратилган:

Адабий тажриба орттириш учун;

Янги маълумотлардан хабардор бўлиш учун;

Янги билимлардан фойдаланиш учун.

Ушбу ёшда ўқишнинг ҳар бир тури муҳим, ПИРЛС баҳолаш дастури ҳар бир мақсадни баҳолайдиган материалнинг тенг нисбатини ўз ичига олади. Ўқиш саводхонлиги бутун умри давомида ўқишни қўллаб-қувватлайдиган хатти-ҳаракатлар, жараёнлар ва муносабатларни камраб оладиган турли хил матнлардан маъно ярата олиш қобилиятидир. Бундай хатти-ҳаракатлар ва муносабат саводли жамиятда шахснинг имкониятларини тўлиқ амалга оширишга ёрдам беради [10].

Бошланғич синфларда ўқиш фанини ўқитишнинг асосий мақсади миллий ҳамда жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий дунёси, адабий-эстетик дидини шакллантириш ҳамда уларда мустақил фикрлаш, образли тафаккурга оид билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш, ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш, асарларни ўргатиш жараёнида олам ва инсон табиати, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, шунингдек, китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчиларнинг маънавиятини, дунёқарашини кенгайтириб, мустақкамлаб боришдан иборат.

Умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфларда ўқиш фани ўқувчиларни онгли, тўғри ва ифодали ўқишга ўргатиш билан бирга уларда китобхонлик ва нутқ маданиятини ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради ҳамда ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилади. Ўрганишлар натижасида республикада ПИРЛС баҳолаш дастурига ўтказилган мактабларнинг 4-синф ўқувчилари ўқиш саводхонлигини оширишда куйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

Ўқувчилар нотаниш матнга тайёр эмаслиги;

Ахборот матнлари билан ишлай олиш техникаси сустлиги;

Бадиий матнларда мантиқийлик асосида саволларга жавоб беришга қийналиши;

Бошланғич синф ўқувчиларидан синф раҳбари ёки мактаб ходимидан бошқа нотаниш шахс томонидан олинган назорат ишлари таълим сифатини тушишига таъсир кўрсатиши;

Ўқувчиларда шошқалоқлик, иккиланиш ва чуқур ҳаяжон туфайли саволларга жавоб бера олмаслик;

Ўқиш саводхонлигида тез ва ифодали ўқишга эътиборни кучайтириш орқали изоҳли ва онгли ўқиш турига эътибор берилмаслик натижасида ўқувчиларда матнларни ўқиш ва тушуниш даражаси пасайганлиги;

Ўқитувчи томонидан ностандарт вазиятларни ташкил этишда креатив фаолиятни ва ўқувчининг мотивациясини оширишда назарий билимларнинг етишмаслиги;

Ўқувчиларда лойиҳалаш ва мустақил ишлаш қобилиятининг шаклланмаганлиги.

Педагогик тадқиқотларда халқаро баҳолаш асосида юқори рейтинг натижаларига эришиш учун куйидаги услубий тавсияларни таклиф қиламиз:

ПИРЛС топшириқларидаги матнларни бошланғич синф ўқувчисининг ёши, қизиқиши ва билиш даражасини таҳлил қилиш орқали бошланғич синф мустақил ишлар жараёнида куйидаги ёндашувлар асосида ўқитиш мақсадга мувофиқ:

режалаштириш;

амалга ошириш (синаб кўриш);

биргаликда таҳлил;

баҳолаш;

қайта ишлаш (татбиқ этиш).

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг саводхонлик даражаларини ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бирок ҳозирги вақтда ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларда ўқиш ва ёзиш саводхонликлари биргаликда олиб бориш, кўникма ва малакаларини шакллантириш масаласига долзарб педагогик муаммо сифатида қаралмайди, саводхонлик мазмунини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишга замонавий нуқтаи назардан ёндашилмайди, унинг самарали метод, шакл ҳамда воситаларидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмайди. Бу бошланғич таълимда ўқувчиларнинг саводхонлик билимларини ташкил этиш, амалга ошириш, назорат қилиш борасида қатор педагогик муаммолар мавжудлигини билдиради.

Мазкур масалаларни илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиш, бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини оширишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиш ва етарли шарт-шароит яратиб бериш зарур.

Энг аввало, қуйидаги масалаларга танқидий ёндашиш лозим: биринчидан, ўқувчиларнинг халқаро дастурлар асосида ўқиш саводхонлигини ошириш эҳтиёжининг назарий таълим билан узвийлиги; иккинчидан, таълим жараёнида саводхонлик курсаткичларини яхшилашга оид муаммоларнинг тизимли тадқиқ этилмаганлиги; учинчидан, ўқитиладиган мавзуларда ўқувчилар баҳолаш дастурларининг илмий-методик жиҳатдан асосланмаганлиги; тўртинчидан, фанда ўқувчилар баҳолаш дастурлари асосида ташкил этиш юзасидан амалий-методик тавсия ва хулосаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги.

Баҳолаш дастурлари ўқувчи фаолиятини тўғри йўналтиришга қаратилган бўлиб, аввало, унинг соғлигини муҳофаза қилишни, унда турфа фазилатларни шакллантириш учун амалий ёндашув режаларини тузишни, бу режаларда ўқувчини қувноқликка, топқирликка ундовчи воситалар жамланишини, ҳозиржавобликка, сермулоҳазаликка, тўғри рақобат қила олишга ёки фараз қила олиш қобилиятини ривожлантиришга, ижодий тафаккур қилиш, тадбиркор бўлишга ундовчи қатор назарий ва амалий ишлар мажмуасини барқарор этишни назарда тутади.

Баҳолаш дастурлари бошланғич таълим тизимида кенг ўрин олиш ва барқарорлашиши учун истиқбол режаларда қуйидагиларга эътибор беришлиги аниқланди: бажарилиши ва татбиқ этилиши лозим бўлган ишларни тўғри лойиҳалаш, мақсад ва вазифаларни белгилаш; амалий машқ ва машғулотлар тизимини яратиш; бошланғич синфларда ўқитиладиган фанлар бўйича атамалар тўпламини тузиш; синов машғулотлари, тест саволлари тузиш; компьютерни ўйинлар учун дастурлаштириш; сайр-саёхатлар ўтказишнинг назарий ва амалий йўналишини белгилаш ва дарс режаларини ҳозирлаш; педагогик технологияларни ўзида акс эттирадиган ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш; республика ижтимоий-иқтисодий, тарихий, миллий-маънавий хусусиятларига мос равишда бошланғич таълимнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш; жаҳон педагогикасининг бошланғич таълим соҳасида мавжуд тажрибаларини ўрганиш ва кенг масалаларни мактабларда жорий этиш.

Ўқувчиларга таълим-тарбия беришимизда бир қанча муаммоларга дуч келамиз. Имловий хатолар, диққатни бир жойга тўплай олмаслик, матнни ўқиб, сўзлай олмаслик, ўта ҳаракатчанлик, бир-икки гапирганда тушуниб етмаслик, ўқув қуролларини тоза тута олмаслик, вазифани мустақил бажара олмаслик, кўчирма диктантларда ҳам қийинчиликка дуч келиш. Бу санаб ўтилган муаммоларни ҳал этишда ҳам, баҳолаш дастурлари (ПИРЛС, ЭГРА) жуда самаралидир.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда шеърни ўргатишда ўқувчиларга ПИРЛС тадқиқотини қўллаб кўрамиз Оила шароитида бола қалбида китобга нисбатан қизиқиш ва муҳаббат туйғусини уйғотиш адабиётга қизиқишдан бошланади. Бунинг учун оиладаги катталар бобо ёки буви, ота ёки она, ака ёки опа мунтазам равишда ҳар куни кичкинтойга шеър, эртақ, ёки ҳикоя ўқиб бериши лозим. Бадиий китоб билан биргаликда ўтказилган дамлар худди байрамдагидек ҳаяжонли ва қувончли бўлишига эришиш лозим. Бола билан изчил равишда ҳар куни шуғулланиб борилсагина кутилган натижаларга эришилади. Овоз оҳанги орқали бола шеърда тасвирланган воқеаларни тез тушунади, қаҳрамонлар кайфиятини тўлиқ ҳис қилади. 4-синф дарслигидаги Қудрат Ҳикматнинг “Қиш тўзғитар момик пар” шеърида учрайдиган маъноси ўзига хос сўзларни ўқувчиларга ўргатишда бази қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин. Масалан: «Мўркон», «сербар», «файз», «сурункаси» сўзларининг маъносини изоҳланг. Бу сўзларимиз ўқувчи учун қийинлик туғдиради, ўқувчиларнинг яхши тушуниши учун қуйидаги топшириқларни дарсга жорий қиламиз.

Бу ерда “мўркон” сўзи бази жойларда ошхона ўчоғи, тандир ўчоғи, мўри маъносида келади, “сербар” сўзи эса эни кенг; энли, “файз” ўзига жалб қилишлик, қувонч бахш этувчи жозибадорлик, “сурункаси” вақт маъносида келади. Ўқувчиларни ўзига хос сўзларни ўргатишда қуйидаги ПИРЛС тадқиқоти орқали амалга оширилади

4-синф ўқиш китобидан “Қиш тўзгитар момик пар”

Қудрат Ҳикмат

Саваб булут тўшагин
 Қиш тўзгитар момик пар.
 Ерга сербар оқ нават Ёзилгандай ялтирар.
 Маҳалла-кўй кўчада Чувурлашиб қор қураб.
 Эсиб совуқ изғирин:
 — Тезроқ юр! — деб буюрар.
 Пирпиратиб кўзини
 Автобуслар ўтади.
 Қаҳратон қиш ҳовурин Мўркон каби ютади.
 Қорга дейман: — Намунча
 Зериктирдинг учқунлаб?
 Ёғмасдинг-ку илгари
 Сурункаси уч қунлаб.
 Томлар кийди оқ қалпоқ,
 Ҳовлиларда сен тепа.
 Осмон элак, наздимда,
 Шаҳримизга ун сепар.
 Етар шунча ёғганинг,
 Узоқ дала, қирга бор!
 Улар сени қутмоқда,
 Ҳар заррангга бўлиб зор.
 Водийларга файз бериб,
 Гуллат боғ-у роғини.
 Ўра қумуш чойшабга
 Ўлкамнинг ҳар ёғини.

Топшириқлар:

- 1-топшириқ. Қиш ҳақида билганларингизни ёзинг.
- 2-топшириқ. Шеърдаги мўркон сўзининг ма‘носи тушунтиринг?
- 3-топшириқ. Қиш ўйинлари ҳақида нималарни биласиз?
- 4-топшириқ. Қиш фаслидаги қандай байрамларни биласиз?
- 5-топшириқ. Қиш фасли ҳақидаги табиат ўзгаришлари ҳақида сўзлаб беринг?
- 6-топшириқ. Қиш ҳақида мақоллар айтинг.
 Ёзнинг ёмғиридан кўрк,
 Қишнинг — қировидан.
 Ёзнинг қуни — юз турли,
 Қишнинг қуни — қирқ турли.
 Ёзнинг ювиндиси — қишга ош-қатик.
 Қиш ўчоғи тор,
 Тур, уйингга бор.
- 7-топшириқ. Мавзу асосида расм чизинг .
- 8-топшириқ. Шеъринг парчадан нимани тушундингиз мазмунини сўзлаб беринг:
 Томлар кийди оқ қалпоқ,
 Ҳовлиларда сен тепа.
 Осмон элак, наздимда,
 Шаҳримизга ун сепар

9-топшириқ. “Занжир” ўйини. Ўқитувчи бошлаб бир сўз айтади. Ўқувчилар бу сўз киш фаслига оид бўлса, шу сўзни топиб айтадилар. Сўз ўйини шу тарзда давом этади.

1-вариант: Қиш, шамол, чана.

2-вариант: _____

3-вариант: _____

10 -топшириқ. Сатрларини таҳлил қилинг.

Саваб булут тўшагин

Қиш тўзғитар момиқ пар.

Ерга сербар оқ наMAT

Ёзилгандай ялтирар

11 -топшириқ. Шеър матнини ўқиётганингизда кўз олдингизда нималар намоён бўлади?

12-топшириқ. «Мўркон», «сербар», «файз», «сурункаси» сўзларининг маъносини изоҳланг.

13-топшириқ. Тест

1. Мўркон сўзининг маъноси нима?

А) ўра

Б) ўчоқ

Д) тутун

14. Мазмунга мос сўз топинг?

Водийларга бериб, Гуллат боғ-у роғини.

Ўра қумуш чойшабга Ўлкамнинг ҳар ёғини.

А) ойни

Б) тошни

Д) файз

Таълим сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ўзбек таълимини модернизация қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳар хил турдаги таълим натижалари бўйича тадқиқотлар доирасида олинган объектив маълумотлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Ўқувчи тафаккурини ҳар тамонлама ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтиришда ПИРЛС топшириқларини кенг кўламда олиб бориш керак. Чунки унинг билиш, янгиликларни қабул қилиш доираси кенг, ундан тўғри самарали фойдаланиш эса ўқитувчининг вазифасидир. Ўқувчининг ҳиссий билиш, маълумот ва кўникмаларни қабул қилишга кенг имконият яратиш учун эркинлик бериш, уни ижодий ишлар қилишга, бажарган иши самарасини кўриб қувонишига, янги-янги ютуқларга йўллаш зарур.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018-йил 8-декабрдаги 997-сонли қарори.

2. Бошланғич таълимни ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. ТДПУ хузуридаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти. Тошкент. 2018. – 160 б.

3. Востриков, А.А. Основы теории и технологии компетентного подхода в элитной школе. Авторская модель. / - Томск: Продуктивная педагогика, 2006. - 218 с.

4. Волчегорская, Е.Ю. Модель формирования познавательно-аналитической компетентии младших школьников средствами исследовательской деятельности / Е.Ю. Волчегорская, О.В. Рябова. // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. 2016. - № 7. - С. 19-24.

5. Воровщиков, С.Г. Внутришкольная система учебно-методического сопровождения развития учебно-познавательной компетентности учащихся.

6. Галиев Т.Т. Системный подход интенсификации учебного процесса. Дисс.докт. пед. наук. - Караганда, 2002. -150 с.

7. Гайназарова Г.А. Машғулотларда интерфаол муҳитни яратиш омиллари. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент: – 2018. – Б.225.

8. Давлетшин М.Г. Бошланғич таълимнинг психологик омиллари // Халқ таълими тизимида бошланғич синф ўқитувчиларининг янги авлодини тайёрлаш муаммолари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1996. -Б. 132-134.

9. Давлетов Э.Ю. Бошланғич таълимга ПИРЛС баҳолаш дастури имкониятлари. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент: – 2018. – Б.248.

10. Раббонаева Д.Т. “Бошланғич синф ўқувчиларида матнни ўзлаштириш даражасини такомиллаштириш усуллари”. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари учун услубий кўрсатма. – Самарқанд, 2020-йил.

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, I-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz